

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ

«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ

«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»

«Иқтисодиёт» кафедраси мудири

доц. А.И.Рахматуллаев

«__» _____ 2016 йил

« ТАСДИҚЛАЙМАН»

«Иқтисодиёт» факультети декани

и.ф.д. А.Ф.Хуррамов

«__» _____ 2016 йил

*Қўшма корхоналарни ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти
(Қашқадарё вилояти “Савдо-саноат палатаси” мисолида)*

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

БАЖАРДИ: “Иқтисодиёт» (қишлоқ хўжалиги)
таълим йўналиши битирувчи IV-
курс талабаси _____ *Нурматов С.*

ИЛМИЙ РАҲБАР:
“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси
_____ *О.А.Аманов*

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди

_____ сонли баённома «__» _____ 2016 й.

ҚАРШИ – 2016 йил

МУНДАРИЖА

Кириш.....

I-боб. Эркин иқтисодий тизим шароитида мамлакат иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг тутган ўрни ва назарий асослари.....

1.1. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг аҳамияти

1.2. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари.....

II-Боб. Хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва ҳозирги ҳолати.....

2.1. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти ва қўшма корхоналар фаолияти таҳлили.....

2.2. Қашқадарё вилоятида хорижий сармояларни жалб қилиш ҳолати.....

III-боб. Эркин иқтисодий тизим шароитида қўшма корхоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....

3.1. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш йўллари ва уни тартибга солишнинг ривожланган давлатлар тажрибаси.....

3.2. Қўшма корхоналарнинг имкониятларини оширишнинг асосий йўналишлари.....

Хулоса ва таклифлар.....

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги.

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Ўзбекистонда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Давлатимиз раҳбари бу борада ўз маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтганлар, “Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шарти билан «нол» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олганини қайд этиш лозим.”¹

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озиқ-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган.

Бугунги кунда экспортни ривожлантириш бу макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилган давлатнинг умумий иқтисодий сиёсатининг ажралмас бир қисмидир. Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифадан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қўшма корхоналар фаолиятни ташкил этиши ва иқтисодиётдаги ролини ошириш масалалари мамлакатимизнинг етакчи олимлари М. Шарифхўжаев, А. Абдуғаниев, С.С. Ғуломов, Д.Рахимова, Э.Махмудов, А.Хайитов, А.Ортиқов, О.Абдирахмонов, А. Пардаев, Р.Валижонов, Г.Абдирахмонова каби олимларнинг асарлари ва илмий ишларида таҳлил қилинган ҳамда кенг ёритилган.

Республикамизда кечаётган таркибий ўзгаришлар ва иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашиб бориши натижасида қўшма корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантириш борасидаги муаммолари мавжуд, шунингдек эркин иқтисодий тизим шароитида янги назарий ва амалий муаммолар вужудга келмоқда. Шунинг учун ўрганилаётган муаммонинг мураккаблиги ҳамда, ҳал этилмаган муаммолари мавжудлиги ушбу битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлади.

Битирув малакавий иш мақсади ва вазифалари: Мазкур БМИнинг мақсади эркин иқтисодий тизим шароитида миллий иқтисодиётда хорижий сармоялар асосида қўшма корхоналарни ташкил этиш, фаолиятини амалга ошириш ва уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз—мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришидир. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 17 январь.

Юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Қўшма корхоналарнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий моҳияти ва уларнинг иқтисодиётдаги аҳамиятини ёритиб бериш;
- вилоятимизда қўшма корхоналарни ташкил этилиши ва шаклантирилишини ўрганиб чиқиш;
- қўшма корхоналар фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиб чиқиш;
- вилоятимизда қўшма корхоналардаги асосий муаммоларини таҳлил қилиш;
- қўшма корхоналарни ривожлантириш ва хорижий ҳамкорларни янада кўпайтириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий ишнинг объекти сифатида Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси танлаб олинган бўлиб, вилоятимизда мавжуд қўшма корхоналарнинг саноатнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш, экспортдаги улуши ўрганилган.

Битирув малакавий ишнинг илмий ва амалий аҳамияти: Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида вилоятимизда қўшма корхоналарни ташкил этишдаги асосий муаммолар таҳлил қилиниб, қўшма корхоналарни, айниқса чекка туманларда ташкил этиш, уларни вилоятимиз иқтисодиётидаги улушини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар беришдан иборат.

БМИда ишлаб чиқиладиган таклиф ва тавсиялар Қашқадарё вилоятинг барча шаҳар ва туманларига жорий этиш мумкин.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ бетдан иборат биўлиб, кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Хулоса ва таклифлар қисмида битирув малакавий иш бўйича асосий натижалар умумлаштириб, асосланган бир қатор хулоса ва таклифлар берилган.

I-боб. Эркин иқтисодий тизим шароитида мамлакат иқтисодиётида қўшма корхоналарнинг тутган ўрни ва назарий асослари

1.1. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг аҳамияти

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ва инвестиция тўғрисида ўзимизда қабул қилинган қонунларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, инвестициянинг шартли равишда учта турини ажратиш мумкин:

- молиявий инвестициялар;
- моддий инвестициялар;
- ақлий (интеллектуал) инвестициялар.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир инвестиция турининг ўзига хос ўрни бўлади. Молиявий инвестициялар таркибига мажбурий ва хорижий мамлакатларнинг пул бирликлари, банклардаги омонатлар, депозит сертификатлар, акциялар, облигациялар, вексельлар ва бошқа қимматли қоғозлар ҳамда тенглаштирилган бойликлар киради.

Моддий инвестициялар таркибига асосий фондлар, яъни бинолар, асбоб-ускуналар, иншоотлар, коммуникациялар ва бошқа турдаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари киради.

Ақлий (интеллектуал) инвестициялар миқдори жуда ранг-барангдир, яъни улар мулккий ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар ва табиий ресурслардан фойдаланиш шаклидаги инвестициялардан иборат.

Мулккий ҳуқуқлар гуруҳига кирадиган инвестицияларнинг хиллари бозор муносабатларининг нечоғлиқ ривожланганлигига, миллий бозорларнинг ўзига хос томонларига қараб ҳар хил бўлади. Ақлий меҳнатга оид ҳақ-ҳуқуқлар шаклидаги инвестициялар таркибига муаллифлик ҳуқуқлари, “ноу-хау”, кашфиётлар, товар белгиларига бериладиган лицензиялар ва бошқа хил эгаллик ҳуқуқлари киради.

Инвестициялар—бу ҳали буюмлашмаган, лекин ишлаб чиқариш воситаларига қўйилган капитал.

Ўзининг молиявий шаклига кўра, улар фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятига қўйилган активлар ҳисобланса, иқтисодий хусусиятига кўра, у янги корхоналар қуришга, узоқ муддатли хизмат кўрсатувчи машина ва асбоб ускуналарга ҳамда шу билан боғлиқ бўлган айланма капиталнинг ўзгаришига кетган харажатлардир.

Инвестициялар хусусий сектор ва давлат томонидан мамлакат ичкарисидида ва унинг ташқарисидида турли ишлаб чиқаришларга ва қимматбаҳо қоғозларга (акциялар, облигациялар) қўйилиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқара оладиган тармоқлар ва корхоналар кўламини янада кенгайтиришдир.

Инвестициялар бўйича халқаро ҳисоботга кўра, сўнгги йилларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қуйидаги учта асосий шаклда амалга оширилмоқда:

- сотиб олиш / бирлашиш (Acquisitions & Mergers);
- нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар (Greenfield investment);
- қўшма корхоналар (Joint ventures).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг энг катта ҳажми сотиб олиш/бирлашишга тўғри келади (90% атрофида), 1 фоиздан камроғи нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар ҳиссасига тўғри келса, 10 фоиз атрофида қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Қўшма корхона ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар учун алоҳида қизиқиш уйғотади. Иқтисодий адабиётларда қўшма корхона иккига бўлинади:

1. шартнома асосидаги қўшма корхона (Contractual - JV);
2. капитал иштирокидаги қўшма корхона (Equity - JV).

Биринчи турдаги қўшма корхонада капиталнинг иштироки назарга тутилмайди, иккинчи турдагиси эса тор доирадаги қўшма корхона сифатида эътироф этилади. Биринчи турдаги қўшма корхона фаолияти лицензиялар тўғрисидаги келишувлар, асбоб-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнини, шунингдек тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан боғлиқ бўлган риск омилисиз назоратни амалга ошириш имкониятини берадиган турли-туман шартномаларни ўзида қамраб олади.

Одатда, қўшма корхона бўйича хорижий ҳамкорлар мажоритар иштирок этишга (50 фоиздан ортиқ бўлган улуш) эришиш орқали ўз улушларини оширишга ҳаракат қиладилар. Масалан, 1970-1980 йилларда АҚШ корпорациялари қўшма корхоналардаги ўз улушларини 70-80 фоизгача таъминлай олганлар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қўшма корхоналар асосан қуйидаги ҳолларда вужудга келади: ҳамкорлар ва уларнинг мамлакатлари ўртасида катта фарқ мавжуд бўлган шароитда хорижий инвестор учун ўз хусусий рискларини тақсимлаш имконияти юзага келади. Масалан, Европа мамлакатларининг Таиланддаги ишлаб чиқариш секторига йўналтирган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг 16 фоизи “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар” ҳиссасига, қолган 84 фоизи қўшма корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Бунда ривожланган мамлакатларнинг трансмиллий корпорациялари учун хос бўлган сотиб олиш/бирлашиш шакли деярли амал қилмайди.

Хусусан, бундай умумжаҳон йўналиш Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг бошланғич даврида намоён бўлиб, бунда хорижий инвесторлар, айниқса, йирик инвестор мамлакатлар асосан, қўшма корхона шаклидаги корхоналарни яратишга интилишди (чет эл корхонаси мақомидаги корхонани яратишга нисбатан камроқ даражада эътибор қаратишди).


Қабул қилувчи мамлакатда трансмиллий корпорациянинг технологик ишлаб чиқариш даражаси қанчалик юқори шаклланса, мажоритар ваколатхоналар ёки 100 фоизлик капиталга эга бўлган чет эл фирмаларини яратишга бўлган талаб шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ҳам жаҳон амалиётида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг қўшма корхона шакли сотиб олиш / бирлашиш шакли кенг тарқалмаган. Бир қатор мамлакатларда қўшма корхоналарнинг яратилиши бозордаги янгилик ундаги вазиятнинг алоҳида такомиллашмаган йўналишлари, миллий ҳукуматларнинг хорижий инвестицияларни жалб қилиш масаласи бўйича сиёсатлари билан белгиланади. Масалан, Беларусь Республикасида хорижий инвестициялар иштирокидаги 4218 та тижорат ташкилотларидан фақат 54 таси трансмиллий корпорацияларнинг филиалларини намоён этган бир пайтда аҳоли жон бошига жалб этилган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича етакчи мамлакатлар ҳисобланган Эстония, Венгрия, Словакия, Хорватия кабиларда бундай филиалларни минглаб учратса бўлади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиш даражасига қараб, қонуний база ҳам такомиллашиб бормоқда, миллий корхоналарнинг мустақамланиши, иқтисодий муносабатларнинг либераллашуви бўлса хорижий капитални тартибга солиш соҳасида доимий равишда ижобий силжишларга олиб келмоқда. Хорижий тадбиркорлар учун қулайликлар яратиш, барқарорликни кафолатлаш, шунингдек, ишончнинг ортиши ўз ижобий натижаларини бера бошлади. Агар, 2001 йилда хорижий капитал иштирокидаги 1795 та корхонадан фақат 83 тасигина 100 фоизлик хорижий капиталга эга корхоналар бўлган бўлса (4,6 фоиз), 2013 йилга келиб 4057 та корхонадан 1513 таси ёки 37,3 фоизи чет эл корхоналарини ташкил этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қўшма корхонанинг иккита шакли, яъни хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхона ва шартнома асосидаги қўшма корхона шакллари ҳам ривожланган. Масалан, музлатгич ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчилардан бири бўлган “LG Electronics” компаниясининг ушбу бозор сегментига бўлган қизиқиши Самарқанддаги “СИНО” очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан ҳамкорлик ўрнатишга олиб келди. Шартнома асосида LG компанияси томонидан етказиб бериладиган технологиялар ва асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда Самарқандда жанубий корейлик ҳамкорнинг савдо маркаси остида ҳолодилниклар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Республикадаги менежерлар учун қўшма корхонадаги миноритар улушдан мажоритар улушга ўтиш сари интилиш ҳар томонлама манфаатлидир. Мамлакатда шундай бир барқарор йўналишлар юзага келган бўлиб, уларга кўра хорижий инвестор миллий бозорга кириб келиш босқичида камроқ ҳиссага эгалик қилади, сўнгра миллий бозордаги муваффақияти ва ишончининг ортиб боришига қараб корхонага максимал даражада тўлиқ эгалик қилишга интилади (100 фоиз гача).

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг 3 та шакли, яъни “сотиб олиш / бирлашиш”, “қўшма корхона” ва “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар” шакллари ҳам ривожланиб бормоқда (1.1.1-чизма)



1.1.1–чизма. Ўзбекистон Республикасида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари

Ушбу шаклларнинг ривожланганлик даражасининг турли-туманлиги бозор муносабатларининг замонавий даражаси, инвестицион сиёсатнинг устувор йўналишлари, республикадаги инвестицион иқлимнинг ҳолати ва истикболларини намоён этади. Масалан, юқори технологиялар билан боғлиқ бўлган соҳаларда (автомобил тармоғи), хорижий корпорациялар “нолдан бошлаб қилинадиган инвестициялар”га қараганда кучли ҳамкор билан қўшма корхона яратишни афзал билишади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учта шаклининг ҳам ривожланиб бораётганлигига ҳукуратимиз томонидан қабул қилинаётган инвестицион дастурларнинг амалга оширилаётганлигини кўрсатиш мумкин. Бундай дастурлар доирасида мамлакатдаги инвестицион фаолият ривожланаётган бўлиб, 2013 йилда асосий капиталга киритилган инвестициялар 27557,3 млрд. сўмни ташкил этган бўлиб, бу 2012 йилга нисбатан 109,8 фоиз ўсишга олиб келган.

МДХ, Марказий ва Шарқий Европа, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қўшма корхона тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг вақтинчалик (ўтиш даврига хос бўлган) шакли ҳисобланади. 100 фоизлик хорижий капиталга эга бўлган (мажоритар иштирок) шўъба корхоналарининг дастлаб пайдо бўлиши ва кейинчалик кўпайиши, сотиб олиш ва бирлашишларнинг ўсиши (дастлаб миллий корхоналар ўртасида), “янги” инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг кенгайиши маълум даражада қўшма корхоналарнинг сонини камайишига олиб келади.

Мамлакатимиз учун чет эл инвестицияларни жалб этиш устувор соҳаларга қуйидагилар қиради:

- Агросаноат мажмуини ривожлантириш, бу эса пиравардида аҳолининг меъёрий турмуш фаолиятини таъминлаш имкониятларини яратади;
- саноатнинг устувор соҳалари ёқилғи энергетик мажмуани жадал ривожлантиришнинг халқ хўжалигини илму фан талаб тармоқларида ишлаб турган қувватларни англаш ва янгиларини барпо этиш, Республиканинг ипортга қарамлигини камайтириш;
- экспорт салоҳиятини техника махсулотлар тайёр махсулотлар ҳиссасини ва ҳажминини кўпайтириш ҳам ашё базасини ўзлаштириш кимё махсулорини экспортини кўпайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш, қадимги хунарманд ва анъанавий хунармандчиликни тиклаш;
- Марказий Осиё бозорини ривожлантиришда иштирок этиш, шу минтақада корхоналарнинг ҳамкорлиги учун зарур бўлган иқтисодий ва ташкилий шароитларни барпо этиш ўзаро манфаатли объектларни ҳамкорлигини кўриш ва тиклаш.

Хорижий инвесторларни иқтисодиётнинг барқарорлаштиришга янада ривожлантириш амалга оширишга жалб этиш ўзини тез оқлайдиган ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш учун чет эллик тадбиркорлар, халқаро ташкилотлар томонидан инвестиция фондлари ташкил этиш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадлар йўлида инвестицияларни турли манбаалари ва унинг узоқ ҳамда қисқа муддатли кредитлар тўғри қарзлар, дотациялар, ишлаб чиқариш тижорат фаолиятини ривожлантириш улушбай иштирок этиш каби шакл ҳамда усулларидан фойдаланилмоқда.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало,

тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Ўзбекистонда Президентимиз Ислон Каримов раҳбарлигида Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигини таъминлаш мақсадида чет эл инвестицияларини жалб этишга стратегик устувор вазифа сифатида қаралиб, мазкур масала давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналиши этиб белгиланган.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси ва тўқимачилик, озик-овқат ва фармацевтика, ахборот ва телекоммуникациялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда. Энг муҳими, хорижий ва маҳаллий сармоядорлар учун қулай, ҳар томонлама имтиёзли инвестиция муҳити яратилган. 2007 йил давомида иқтисодиётимизга киритилган инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектлари қурилишига, жумладан, салкам 50 фоизи корхоналарни техник ва технологик модернизация қилишга йўналтирилди. Ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 58 фоизга ортди. Уларнинг 76 фоизи тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида ўтган йили 300 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди, хорижий инвестициялар иштирокида 700 дан зиёд янги корхона барпо этилди.

Кўшма корхоналар биринчи галда юксак технологияга асосланган тармоқларда - енгил, озик-овқат, электротехника, кимё ва нефткимё, машинасозлик, қурилиш материаллари саноатида, телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида ташкил этилаётгани эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги кунда республикаимиз ташқи савдо айланмасининг учдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда ва уларнинг экспорт ҳажмидаги улуши ўтган йили 60 фоизни ташкил этди. Булар Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда чет эл инвестициясини жалб этишнинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий, институционал тузилмалари ва инфратизимини яратиш ҳамда мавжуд шарт-шароитларни изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини яққол тасдиқлайди. Айниқса, бунда қонуний қафолатларни яратиш алоҳида аҳамият касб этди.

1.2. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари.

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятига доир ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида хорижий инвестициялар масаласига бевосита тааллуқли бўлган қонунлар муҳим урин тутади. Вакт ўтиши билан иқтисодий ўсишнинг жадал боришини таъминлаш, республика иқтисодиётига хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини жалб қилиш ва умуман жаҳош андозаларига эришиш учун хорижий инвестициялар соҳасидаги мавжуд қонунчилик базасини қайта қуриб чиқиш зарурати объектив равишда пайдо бўлди.

Мамлакатимизда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солувчи "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонун ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ушбу қонунларни қабул қилиш, уларга замон талабларига мос равишда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб боришнинг сабаби битта - қаерда имтиёз, қаерда шароит бўлса, қонуний қафолат бериладиган бўлса, шу ёққа инвестиция келади. Мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий, молиявий барқарорлик чет эл инвестицияси учун ҳар томонлама қулай шароит яратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида қабул қилинаётган имтиёзли муҳитни яратувчи қонунлар чет эллик инвесторларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Хусусан, 2008 йил 8 апрелда матбуотда эълон қилинган "Божхона имтиёзларининг қўлланилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонун чет эл инвесторларини жалб қилиш бўйича изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига асосан "Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби" тўғрисида низом ишлаб чиқилган. Мазкур Низомга Вазирлар Маҳкамасининг 07.07.2006 й. 133-сон қарорига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган.

Ушбу Низом "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди. Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ушбу Низомга мувофиқ чет эллик инвесторларга қуйидаги кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар):

-барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётини прогрессив таркибий ўзгартиришларни таъминловчи устувор тармоқларни;

-республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиётини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларни амалга оширилиши;

- хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни инвестициялашнинг ҳар бир аниқ ҳолатида берилди.

Маълумки, чет эл инвесторлари мамлакатимиз ҳудудида ўз ишлаб чиқариш фаолиятини, қоидага кўра, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ташкил этиш йўли билан амалга оширадilar. Ўз эҳтиёжлари учун юртимиз ҳудудига замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналар, уларга бутловчи буюмлар, шунингдек, хомашё ва материаллар олиб кираётган хорижий инвесторлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида муайян имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддаси ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ, хорижий инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулкка божхона божи солинмас эди. Янги қонун асосида - чет эллик инвесторлар учун янада қулай муҳит яратиш мақсадида - юқорида қайд этилган ҳар икки қонунга ўзгартишлар киритилди. Эндиликда наинки чет эллик инвесторлар, айтиб чоғда, устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кирадиган мол-мулк бўйича бож ундирилишидан озод қилиндилар. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши натижасида "Бож тарифи тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасида ва "Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида белгиланган имтиёзлар устав фондида чет эл инвестицияларининг улуши камида ўттиз уч фоиз бўлган чет эл инвестициялари иштирокидаги қўшма корхоналарга ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2015 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида, Давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилди ва бунинг учун тегишли шароитлар яратилди. Масалан, 506 та мулк комплекси танлов асосида, инвестиция киритиш шarti билан «нол» қийматида янги мулкдорларга сотилди. Бу борада ана шу инвесторлар қарийб 1 триллион сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритиш, шунингдек, 22 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мажбуриятини олгани айтиб ўтдилар.

Янги қонунда кўзда тутилган имтиёзлар ана шу хайрли мақсадларга эришишимизда муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ушбу қонун халқимиз фаровонлигини оширишда ҳам улкан ижобий ўзгаришларга сабаб бўлади. Хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари очиш, энг замонавий технология ва жиҳозларни келтириш ҳисобига иш унуми ва самарадорлиги ошиши муқаррар.

Хорижий инвестициялар қўшма корхоналарда ўз хиссаси билан катнашиб, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда катнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга булиши, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришлари мумкин.

Хорижий инвестицияларга асосан 2 гуруҳ омиллар таъсир кўрсатади:

1) иқтисодий омиллар:

-ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва иқтисодий усиш суръатларининг бир маромда ушлаб турилиши;

-жаҳон ва алохида мамлакатлар иқтисодиётида чуқур таркибий силжишларнинг амалга оширилиши (айникса, фан-техника тараккиёти ютуқлари ва жаҳон хизматлар бозори тараккиёти таъсири остида олиб борилиши);

-ишлаб чиқаришни халқаро ихтисослашуви ва кооперациялашувининг чуқурлашуви;

-жаҳон иқтисодиётини трансмиллийлаштирилишини ўсиб бориши (АҚШ Трансмиллий корпорация (ТМК)лари хорижий филиалларининг махсулот ишлаб чиқариш хажми АҚШ товар экспортидан 4 мартаба ортиқдир);

-ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва интеграция жараёнларининг чуқурлашиб бориши;

-халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ)нинг фаол ривожланиши ва бошқалар.

2) сиёсий омиллар:

-капитал экспорти (импорти)ни эркинлаштириш (Эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИХ), оффшор ҳудудлари ва бошқ.);

-ривожланаётган мамлакатларда индустриллаштириш сиёсатини олиб бориш;

-иқтисодий ислохотларни олиб бо“Асосий вазифамиз – ватанимиз тараккиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”риш (давлат корхоналарини хусусийлаштириш, хусусий секторни ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш);

-бандлик даражасини ушлаб туриш сиёсатини олиб бориш ва бошқалар.

Хорижий инвесторлар билан қўшма корхоналар ташкил қилишнинг афзалликлари:

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган махсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илрор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли махсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга кадри баланд валюталарнинг купрок кириб келишини таъминлайди.

Хорижий инвестицияларни мамлакатга жалб қилишда ҳуқуқий асосларига тааллуқли ҳозирги вазифа — бу ҳукуматнинг хорижий инвестициялар бўйича узок, муддатли барқарор позицияларини шакллантириш ва уни потенциал хорижий инвесторларга етказишдан иборатдир.

II-Боб. Хорижий сармоялар иштирокидаги қўшма корхоналарнинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари ва ҳозирги ҳолати

2.1. Қашқадарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти ва қўшма корхоналар фаолияти таҳлили

Кўпгина мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эркин иқтисодий тизим шароитида рақобатбардош маҳсулот ва хизматлар таклиф эта оладиган корхоналарни миллий иқтисодиётга жалб этиш имконияти сифатида эътироф этилади. Бундан ташқари, сармоя мамлакатларда иқтисодий ўсиш ва бандликни оширишнинг муҳим омили сифатида талқин этилади. Айнан шунинг учун ҳам, дунёнинг кўплаб мамлакатлари, хусусан, ривожланаётган мамлакатлар орасида хорижий капиталнинг ушбу тури учун курашда юқори рақобат кузатилади.

Мамлакатимизда ҳам миллий иқтисодиётни ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқара оладиган тармоқлар ва корхоналар кўламини янада кенгайтиришдир. Шу билан бирга мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва роли тобора ортиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси уларнинг иқтисодий юксалишида фаол инвестиция сиёсати марказий ўринни эгаллашини тасдиқлайди. Шу боис Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадлари унинг инвестиция сиёсатида тўлиқ акс эттирилишини тақозо этади. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", "Инвестиция фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари унинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади. Мулкчиликнинг турли шакллари таркиб топиши инвестицияларнинг ривожланишига катта туртки бўлди. Мулкчиликнинг турли шакллари ва шакллари вужудга келиши муносабати билан капиталнинг соҳалардаги ўзгарувчанлиги, унинг окими, ҳудудларга тақсимланиши тезлашди.

Президентимизнинг 2013 йил 2 августдаги «Қашқадарё вилоятининг 2013-2016 йилларда саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори вилоят саноатида янги даврни бошлаб берди. Бу ҳақда мамлакатимиз раҳбари халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида, жумладан, шундай деган эди: «...саноат соҳасининг янги турларини ривожлантириш мақсадида келгуси тўрт йилда умумий қиймати — шунга эътибор беринг — 2 миллиард 98 миллион долларга тенг бўлган 555 та лойиҳани амалга ошириш, энг муҳими, 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилаётганининг ўзи, ўйлайманки, бу ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат беради»²

Дарҳақиқат, вилоят ўз тарихида ҳеч қачон бундай улкан бунёдкорликларни кўрмаган. Тўғри, мамлакатимизнинг барча минтақаларини ривожлантириш борасида мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, Қашқадарё саноатини ривожлантириш дастурининг қиёси йўқ. Бунинг сабаби бор, албатта. Қашқадарё вилояти мамлакатимизнинг ер ости ва ер усти бойликлари, маҳаллий хом ашё ресурслари жиҳатидан етакчи вилоятларидан биридир. Бугун унинг бағридан қазиб олинаётган нефть, газ мамлакат қудратига қудрат қўшмоқда.

Президентимиз вилоятимизда енгил саноатни ривожлантириш имкониятлари ҳақида шундай деган эди: «Дастурда, жумладан, вилоятда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш орқали экспортбоп замонавий тайёр газлама ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 100 миллион доллардан иборат бўлган 82 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бу эса 2016 йилга бориб, вилоятда етиштириладиган пахта толасини қайта ишлаш ҳажминини ҳозирги 6 фоиздан 35 фоизга етказиш ва энг муҳими, 4 мингга яқин иш ўрни яратиш имконини беради...»³

Ҳудудларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, Китоб туманида цемент, лак-бўёқ, ўтга чидамли ғишт хомашёси, Яккабоғ туманида чинни ва шиша, Дехқонободда деворбоп тош, кишлоқ хўжалигига ишлатса бўладиган глина бентонит, Ғузурда — керамзит, Қамашидида қурилиш гипси, Нишонда эса қум-шағал хомашёси мавжуд.

Айни пайтда ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш, экспорт салоҳиятини ошириш учун мавжуд захиралардан унумли фойдаланиш мақсадида хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма

² <http://www.qashqadaryo.uz>

³ <http://www.qashqadaryo.uz>

корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таҳлилимизга кўра, бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 49 та қўшма корхоналар бўлиб, уларнинг аксариятида маҳаллий хом ашёдан экспортбон маҳсулотлар тайёрланмоқда. (2.1.1-жадвал)

2.1.1-жадвал

Қашқадарё вилоятида ташки иктисодий алоқалар ва хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолияти

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Йиллар			2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариш +/-
		2013	2014	2015	
Жами ташки савдо айланмаси	минг дол.	765440,8	637389,7	769680,8	4240,0
Шундан МДХ	минг дол.	278353,4	243281,2	226103,3	-52250,1
Узок хорижий мамлакатлар	минг дол.	487087,4	394108,5	543577,5	56490,1
Экспорт жами	минг дол.	335276,6	323384,7	295900,3	-39376,3
Шундан МДХ	минг дол.	140253,7	112334,1	90607,9	-49645,8
Узок хорижий мамлакатлар	минг дол.	195022,9	211050,6	205292,4	10269,5
Импорт жами	минг дол.	430164,2	314005,0	473780,5	43616,3
Шундан МДХ	минг дол.	138099,7	130947,1	135495,4	-2604,3
Узок хорижий мамлакатлар	минг дол.	292064,5	183057,9	338285,1	46220,6
Экспорт таркиби		335276,6	323384,7	295900,3	-39376,3
Пахта толаси	минг дол.	161851,5	149742,9	138496,0	-23355,5
Кимё маҳсулотлари	минг дол.	58455,1	67864,8	75407,0	16951,9
Энергетика манбалари	минг дол.	60162,0	39457,5	8492,0	-51670,0
Озик - овқат маҳсулотлари	минг дол.	3548,5	15541,3	20324,5	16776,0
Хизматлар	минг дол.	37373,1	38435,5	37603,8	230,7
Машина ва ускуналар	минг дол.	4,9	48,4	40,2	35,3
Бошқалар	минг дол.	13881,5	12294,3	15536,8	1655,3
Импорт таркиби		430164,2	314005,0	473780,5	43616,3
Машина ва ускуналар	минг дол.	375512,1	244473,3	399161,7	23649,6
Озик - овқат маҳсулотлари	минг дол.	7158,3	2400,0	3783,2	-3375,1
Кимё маҳсулотлари	минг дол.	26776,6	37489,4	28464,7	1688,1

Рангли ва кора металл	минг дол.	4147,1	6630,5	8031,3	3884,2
Хизматлар	минг дол.	5288,0	6010,5	14037,1	8749,1
Энергетика манбалари	минг дол.	614,2	722,3	1064,5	450,3
Бошқалар	минг дол.	10667,9	16279,0	19238,0	8570,1
Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар	бирлик	59	54	49	-10,0
шу жумладан:					
Фаолият курсатаётгани	бирлик	51	45	44	-7,0
Ташки савдо айланмаси	минг дол.	88542,8	8793,5	57420,2	-31122,6
Экспорт	минг дол.	63551,7	1500,1	1513,4	-62038,3
Импорт	минг дол.	24991,1	7293,4	55906,8	30915,7

Манба: Қашқадарё вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари

Хитой 15 миллион тонна пахта етиштириб, тўлиқ қайта ишлар, бошқа давлатлардан ҳам пахта сотиб олар экан. Юртимизда, жумладан, вилоятимизда пахта, ғалла, пилла, узум, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда, ишчи кучи етарли. Демак, уларни ишлаб, тайёр маҳсулот олиш, шу орқали даромадни ошириш ҳозир бизнинг бош вазифамиз бўлиб турибди.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса ана шундай корхоналарга 200 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Давлат кафолати таъминланган чет эл кредитлари ҳисобидан эса турли лойиҳалар бўйича 291,9 миллиард сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2012 йилнинг мос даврига нисбатан 5,1 баробарга ўсди. Давлат кафолати остидаги чет эл инвестициялари ва кредитларининг асосий қисми саноат соҳасига йўналтирилмоқда. Хусусан, Дехқонобод Калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқариш қувватининг 2-навбати лойиҳаси учун 60,7 миллиард сўм, «АСИА ТРАНС ГАВ» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси газопровод қурилиши учун 165,8 миллиард сўм миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди.

Бугун Қашқадарёда хитойлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 8 та—“Guzor Yi Jie”, «Етимтоғ кўрки», «Темур Чина», «Komfort NASAF Snanhay», «Safit Carb», «Асиа Транс Гас», «Radiant Silk» ҳамда «Cnina inex invest» корхоналари асосан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва пиллани қайта ишлаш билан шуғулланыпти.

Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида Вазирлар Маҳкамасининг «Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида тугатилган «Қарши 16-сон автобус саройи» очик акциядорлик жамиятининг мулкӣ комплекси негизида хом ипакни қайта ишлайдиган замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 315-сонли қарорига асосан «Radiant Silk» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси ишга туширилди. Юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур комплекс 400 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга.

Енгил саноатни ривожлантириш ҳудудларда янги иш ўринлари яратилиши, вилоят ялпи ички маҳсулотида саноат улушининг кўпайиши учун кенг имконият яратмоқда. Ҳар йили вилоятда 2,7 минг тоннадан ортиқ пилла етиштирилиб, ундан олинган 800 тонна қуруқ пиллани қайта ишлайдиган қувватлар етарли эмас эди. «Radiant Silk» қўшма корхонасига 2012-2014 йилларда 3миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритилиб, 2015 йилдан бошлаб йилига 120 тонна хом ипак, иккинчи босқичда эса йилига 500 минг погонметр ипак газлама ишлаб чиқариш мўлжалланган. Мазкур қўшма корхонанинг ишга туширилиши муносабати билан 70 нафар ёшларимиз иш билан таъминланди. Уларнинг 40 нафари касб-хунар коллежи битирувчиларидир. Айни пайтда маҳсулотнинг асосий қисмини Хитой, Ҳиндистон, Туркия ва Вьетнамга экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Комплекс тўла қувват билан иш бошлагач, ишчилар сони 300 нафарга етади.

Қашқадарё вилоятига 2015 йилда Хитойлик тадбиркорлар томонидан 665523 АҚШ доллари миқдоридаги замонавий минитехнологиялар келтирилди. Китобдаги ип-йигирув фабрикасини қайта

тиклаш учун 100 та замонавий тикув машинаси келтирилди ва иш бошланиб кетди. Жами 4 миллион доллар сарфланиб, Германиянинг «Trustler» фирмасидан асбоб-ускуналар олиб келинди ва йилига 2700 тонна ип-калава ишлаб чиқаришга эришилиб, 300 янги иш ўрни яратилди. 2015 йилга бориб, яна 3,5 минг тонна калава ип тайёрлаш лойиҳаси амалга ошди. Шаҳрисабз туманидаги «Файзиев Б» хусусий корхонасига соатига 110 тонна тошни майдалайдиган ускуна ўрнатилган бўлса, Қарши шаҳридаги «Одил соф бизнес» масъулияти чекланган жамиятида бир кеча-кундузда 200 п/м том ёпқич ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Яккабоғ туманидаги «Офтобрўй замин» фермер хўжалиги эса кичик тегирмон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналарни харид қилди. Корхоналарни модернизация ва диверсификациялаш туфайли ёшларимиз учун 300 га яқин янги иш ўрни яратилди.

Шу ўринда Қашқадарё вилояти Савдо саноат палатаси кўмагида 35 нафар тадбиркор Хитой Халқ Республикасига юборилиб, 880500 АҚШ доллари миқдорида шартномалар тузиб қайтдилар. Натижада 25 та замонавий технология ва яна қўшимча 1 168 381 АҚШ доллари миқдоридаги ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Айни пайтда Хитой технологияси асосида вилоятнинг тоғолди туманларида ҳам мева-сабзавот ва узумни қайта ишлашга мўлжалланган қўшма корхоналар ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Либерал-Демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши хузуридаги «Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази» билан ҳамкорликда эса тадбиркорларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимларини ошириш мақсадида турли ўқувлар, семинар-тренинглار ўтказилиб келинмоқда. Натижада, вилоятимизда хусусий тадбиркорлар кўпайиб, кичик бизнесда банд булган аҳоли сони ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. (2.1.2-жадвал)

2.1.2-жадвал

Қашқадарё вилоят иқтисодиётининг асосий тармоқларида кичик бизнеснинг салмоғи

(фоизда)

	Йиллар			2015 йилда 2013 йилга нисбатан ўзгариш +/-
	2013	2014	2015	
Ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши	51,4	51,5	51,6	0,2
Иқтисодиётда кичик бизнеснинг соҳалар бўйича салмоғи				
Саноат	14,9	16,9	21,7	6,8
Кишлоқ хўжалиги	99,5	99,4	99,5	0,0
Инвестиция	14,1	14,7	14,1	0,0
Курилиш	73,9	74,9	64,6	-9,3
Савдо	36,0	35,5	82,5	46,5
Пуллик хизмат	55,3	55,6	58,6	3,3
Ташилган юк	72,5	72,8	86,0	13,5
Ташилган юк айланмаси	87,2	90,8	91,3	4,1
Йуловчи ташиш	81,6	83,7	91,9	10,3
Йуловчи ташиш айланмаси	87,0	88,0	90,3	3,3
Ташки савдо айланмаси		17,1	11,1	11,1
Экспорт	22,7	23,5	17,4	-5,3
Импорт	57,9	11,1	7,3	-50,6
Кичик бизнесда банд булган аҳоли	77,9	78,4	79,3	1,4
Рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналари (бирлик)	20430	17492	15890	-4540,0
Фаолият курсатаётган кичик бизнес корхоналари (бирлик)*	16087	15808	14870	-1217,0

Янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналари (бирлик)*	1652	1578	1620	-32,0
Тугатилган кичик бизнес корхоналари (бирлик)*	1832	4561	3342	1510,0

*дехкон ва фермер хужаликларисиз

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестицияли корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши инвестиция сиёсатининг асосини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда. Хорижий инвесторлар иштирокидаги манфаатдор томонлар ўзларига қарашли бўлган ресурслардан биргаликда фойдаланиш учун улар билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этмоқда. Ўзбекистонлик ва хорижий юридик шахслар ҳамда чет эл фуқаролари бундай корхоналарнинг таъсисчилари бўлиши мумкин. Вилоятимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сабаблари турли-туман бўлиб, уларни ички, ташқи ва стратегик сабабларга бўлиш мумкин. (2.1.3-жадвал)

2.1.3-жадвал

Кашқадарё вилоятида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш сабаблари

Ички сабаблар	Инвестиция мухитининг устунликларидан фойдаланиш
	Рискларни тақсимлаш
	Ишлаб чиқариш миқёсида тежаш
	Бошқарувнинг янги усулларини ўрганиш
	Хорижий бозорларга чиқишни жадаллаштириш
Ташқи сабаблар	Шартнома харажатларини камайтириш
	Жаҳон бозорига чиқиш
	Сиёсий кескинликнинг юмшаши
	Миллий ҳукумат талаблари
Стратегик сабаблар	Самарали рақобатни вужудга келтириш
	Мустақкам хом ашё базасига эга бўлиш
	Технологиялар трансферти
	Ишлаб чиқариш диверсификацияси
	Мамлакатда узоқ вақт фаолият олиб бориш имконияти

Мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хўжалик субъектлари таркибида хорижий инвестицияли корхоналар улуши ортиб бормоқда. Хусусан, 2013 йилда жами хорижий инвестицияли корхоналар сони 4443 тани ташкил этган бўлиб, 2015 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони 561 тани ташкил этди.

Албатта хорижий инвестицияли корхоналар орасида фаолият юритмаётганлари ҳам бор, лекин фаол ишлаб турган корхоналар сонининг тобора ошиб бориши ижобий кўрсаткич бўлиб, хорижий инвесторларнинг мамлакат иқтисодидега қизиқиши ортаётганидан ва умумий бизнес юритиш муҳити яхшиланиб бораётганидан далолат беради.

Кашқадарё вилоятининг тараққиёт суръатларини тезлаштириш, бугунги кунда ривож топаётган тармоқлар билан бирга, замонавий технологиялар билан қуролланган, қўшимча қийматга эга бўлган, дунё бозоридаги талабга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар чиқарадиган лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, вилоятда орқада қолаётган енгил, озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, информация ва коммуникация соҳаларининг йўлини очиб бериш, шу билан бирга, қурилиш ишлари соҳасига янги куч-қувват бериш масалаларига янада эътиборни кучайтиришимиз зарур. Бу эса, шубҳасиз, ўз самарасини беради.

2.2. Қашқадарё вилоятида хорижий сармояларни жалб қилиш ҳолати

Иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустақамлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида 2007 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори эълон қилинди. Бу қарорга асосан, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар берилган.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

– даромад (фойда) солиғидан 1-йил – 25%, 2-йил – 50%, 3-йилдан 100%, қишлоқ ҳудудида 1-йил озод қилинади;

– мулк солиғидан 2 йилга озод қилинади;

– ишлаб чиқарган маҳсулотнинг 30% ортиғи экспортга чиқса, 50%га даромад (фойда солиғи), 15-30% экспортга чиқарилса, 30% даромад (фойда) солиғидан озод қилинади;

– ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солиғидан 2 йилга озод қилинади.

Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этган мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш тармоқлари ўзларининг асосий фаолият турларидаги қуйидаги солиқлардан озод этилади:

– даромад (фойда) солиғи;

– мулк солиғи;

– ижтимоий инфратузилмани ва ҳудудий ривожланишни ривожлантириш солиғи;

– атроф-муҳит солиғи;

– микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона солиқ;

– йўл фондига мажбурий ажратмалардан.

Агар, хорижий инвестициялар ҳажми:

– 300 000 – 3 000 000 АҚШ доллари тенг бўлса – 3 йилга;

– 3 000 000 – 10 000 000 АҚШ доллари тенг бўлса – 5 йилга;

– 10 000 000 АҚШ доллари ортиқ бўлса – 7 йилга.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар:

- ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча солиқлардан;

- ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса, унда,

-нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солиғидан;

- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинган даромад ва мулк солиғидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар ҚҚС дан ташқари барча солиқлардан озод;

-ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Республикамизда ипакчилик соҳасига алоҳида эътибор қаратилгандир, яъни пиллачиликка боғлиқ барча ишлаб чиқариш корхоналари 01.01.2010 йилгача ҚҚС дан озод қилинган.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК ўз эҳтиёжи учун мамлакатимизда ишлаб чиқармайдиган ускуна, эҳтиёт қисмларини импортида божхона тўловларидан 01.01.2008й.гача озод эди.

Чет эл инвесторлари, асосан, даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига кўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари деб эътироф этилади.

"Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Қонунга кўра Ўзбекистон Республикасида чет эллик инвесторлар қуйидагилар бўлиши мумкин:


- чет эл давлатлари;
- чет эл давлатларининг маъмурий ёки ҳудудий органлари;
- давлатлараро битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;
- чет эл давлатларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;
- чет эл давлати фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Республикада 2015-йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014-йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Жами инвестицияларнинг 3 миллиард 300 миллион доллардан зиёди ёки 21 фоиздан ортиғи хорижий инвестициялар бўлиб, шунинг 73 фоизи тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир.

Инвестицияларнинг 67,1 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилди. Бу эса 2015-йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 та йирик ишлаб чиқариш объекти қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш имконини берди.

Масалан, Тошкент иссиқлик электр станциясида 370 мегаватт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси барпо этилди, Чорвоқ ГЭСи гидрогенераторлари модернизация қилинди, Қўнғирот сода заводида кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш кенгайтирилди, «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида 240 минг тонна қувватга эга бўлган мураккаб таркибли янги ўғитлар ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Шунингдек, «Мотор заводи» акциядорлик жамиятининг фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонларида трактор тиркамалари, жумладан, катта ҳажмли тиркамалар, маиший техника учун таркибий қисмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этилди.

Қашқадарё вилоятида ҳам хорижий инвесторлар иштирокида бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Кейинги беш йилда, яъни 2010 йилга нисбатан таққослаганда, 2015 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми қарийб 2,2 баробарга, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,3 баробарга ошди. 2015 йилда вилоят иқтисодиётига 5 триллион 224 миллиард сўм ҳамда 320 миллион долларлик хорижий инвестициялар жалб этилди. Бу 2013 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп демакдир(2.2.1-чизма).



■ млрд.сўм

2.2.1-чизма. Қашқадарё вилоятига жалб қилинган хорижий инвестициялар.

Мазкур инвестициялар ҳисобига 4 мингдан зиёд объектлар ва лойиҳалар ишга туширилди. Жумладан, 3 триллион 557 миллиард сўм ёки 70 фоиз инвестициялар бевосита ишлаб чиқаришга юналтирилиб, бу 325 та янги саноат корхонасини фойдаланишга топшириш ҳамда 213 та корхонада модернизация ишларини амалга ошириш имконини берди.


Вилоятимизда фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши натижасида 2015 йилнинг тўққиз ойида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 3 триллион 747,1 миллиард сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 28,6 фоиз ошди. Ўзлаштирилган

инвестицияларнинг 518,9 миллиард сўми ёки 13,8 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар, жумладан, 149,7 миллиард сўмини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилди. Иқтисодийнинг стратегик тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 304,1 миллиард сўм маблағи ўзлаштирилди.

Капитал қўйилмалар таркибида нисбатан кўп улушни хўжалик субъектларининг ўз маблағлари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ташкил қилди (49,5 фоиз) ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 34,5 фоиз ўсди.

Бу эса корхоналар 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ошириш манзилли дастурлари ижросига фаол жалб қилинаётганидан далолат беради. Масалан, Китоб туманидаги "Китоб ип-йигирув" корхонаси қаровсиз, ташландиқ ҳолатга келиб қолган эди. Президентимизнинг "2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 12 миллиард сўм маблағ сарфланиб, "Китоб ип-йигирув" батамом қайтадан қурилиб, охириги русумдаги технологияларга асосланган замонавий корхонага айланди.

Давлат кафолати остидаги чет эл сармоялари ва кредитлари ҳисобидан январь-сентябр ойларида 369,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди (2.2.2-чизма). Жумладан, 450 МВт қувватли иккита буғ-газ қурилмаси барпо этиш йўли билан Талимаржон ИЭСни кенгайтириш лойиҳаси доирасида 270,9 миллиард сўм, "Ўзбекенерго" давлат акционерлик компанияси учун 4,2 миллиард сўм, "Мароқанд-Қарши" темир йўл участкасини электрлаштириш ишларига 66,9 миллиард сўм, "Қарши-Термиз" темир йўл участкасини электрлаштириш ишларига 24 миллиард сўм, вилоятнинг суғориладиган ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш лойиҳаси бўйича 0,7 миллиард сўм ва МЧЖ шаклидаги "ASIA TRANS GAS" қўшма корхонаси томонидан 2,5 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.



2.2.2-чизма. Қашқадарё вилоятида хорижий инвестицияларни ўзлаштирилиши

Замонавий инфратузилма объектларини барпо этишга қаратилган умумий қиймати 208,39 миллион доллардан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. "Мароқанд-Қарши темир йўл участкасини электрлаштириш (1 босқич)", "Самарқанд-Қарши темир йўл линияси участкасида тез ҳаракатланадиган йўловчи поездлар қатновини йўлга қўйиш (1 босқич)" ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инвестициявий фаолликнинг ўсиши ҳамда монтаж ва махсус қурилиш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, қурилиш ташкилотларини янада ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, жорий йил бошидан буён қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги уй-жойларни фойдаланишга топшириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар қурилиш ишлари ҳажмини 11,1 фоизга ошириш имконини берди.

Шунингдек, Қарши туманида Нидерландия давлати билан ҳамкорликда қиймати 55 миллион долларлик, йилига 22 минг тонна пахта толасини қайта ишлашга мўлжалланган тўқимачилик комплекси қурилиши давом этмоқда. Бу корхона ҳам 4-5 ойда ишга туширилади.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилган, жумладан:

- хорижий инвесторлар капиталини сақланиши учун кафолатлар; кўрилган зарарларни қопланиши учун кафолатлар;
- солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар;
- фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги;
- миллий сўмда ва чет эл валютасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти;
- божхона имтиёзларининг мавжудлиги;
- хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан суғуртавий муҳофаза қилиш тизимини яратилганлиги.

Хулоса шуки, давлат тузилмавий инвестиция сиёсати жойларда, қишлоқларда амалга оширишда газ, сув, электр, коммуникация тармоқларинияхшилаш давлат имтиёзлари асосида кичик корхоналар ташкил этиш зарур. Чунки шу йўл билангина қишлоқ корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб этиш мумкин.

III-боб. Эркин иқтисодий тизим шароитида қўшма корхоналарни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

3.1. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш йўллари ва уни тартибга солишнинг ривожланган давлатлар тажрибаси

Мамлакатни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида инвестицияларнинг жумладан, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар қандай давлат дунёдан ажралган ҳолда, жаҳон тажрибаларини ўрганмасдан, етакчи давлатлар илм, фан ва техника соҳасида эришган ютуқларини қабул қилмасдан ривожланиши мумкин эмас.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Мамлакатимизда сиёсий барқарорлик, инвестиция муҳитини жуда қулайлиги хорижий инвесторлар узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларини тузишда асос бўлмоқда. Бундан ташқари, жалб этилган чет эл инвестициялар ва кредитлар учун кафолатлар тақдим этиш, солий ва божхона таърифлари бўйича имтиёзлар, заем ва фоиз ставкаларини субсидиялаш каби шарт-шароитлар яратилмоқда, ўнлаб қонуний ҳужжатлар амал қилмоқда.

Ўзбекистон амалга ошираётган инвестиция сиёсатининг асосий йўналишлари:

- инвестиция жалб қилиш учун халқаро меъёрлар ва конвенцияларга мос келадиган, саноати ривожланган мамлакатлар инвесторлари томонидан тан олинадиган ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга интилиш;
- республикага жаҳон даражасидаги технологияларни етказиб берадиган ва иқтисодиётнинг замонавий тузилишини вужудга келтиришга ёрдам берадиган инвесторлар учун очик эшиклар сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга қаратилган валютада узини-узи коплашни таъминлайдиган инвестицияларга кумаклашиш;
- мамлакатнинг кредит қобилиятини, Ўзбекистоннинг биринчи даражали қарз олувчи мамлакат сифатидаги обрў-эътиборини қуллаб-қувватлаш;
- мамлакатнинг айрим минтакаларида ижтимоий ва экология муаммоларини хал қилишга қаратилган инвестицияларга ёрдам бериш.

2014 йилда Инвестиция дастуридаги лойиҳаларни амалга ошириш учун жаҳоннинг Хитой, Германия, Жанубий Корея, Япония, Голландия, Буюк Британия, Малайзия, Россия каби 30 дан ортиқ мамлакатларидан хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинди. Бундан ташқари, иқтисодиётнинг асоси ҳисобланган саноат тармоғига ҳам салмоқли инвестиция ёрдами кўрсатилиши лозим. Бу “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Дастурда ўз аксини топган. Унда саноат тармоғида қиймати 47,5 миллиард долларлик 500 дан зиёд инвестиция дастури амалга оширилди.

Хорижий инвестицияси бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Хорижий инвесторларга табиий бойликларни қидириш, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш ва бошқа хўжалик ишларини юритиш учун концессиялар берилиши мумкин.

Хорижий инвестицияларнинг ҳудудлар иқтисодиётига киритилиши билан боғлиқ хориж тажрибаси барча мамлакатларда турли воситалар орқали амалга оширилади. Лекин айрим давлатлар иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция сиёсатини олиб бориш борасида ўхшаш жиҳатлар ҳам мавжуд. Жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳудудий инвестиция сиёсатини юритишда молия институтлари ва молия ташкилотлари томонидан ажратилган сармоялар ва ишлаб чиқилган асосий йўналишлар аъзо мамлакатларнинг юқори ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган дастур ва стратегиялар ҳудудлар учун асос бўлиб хизмат қилади ва амалиётга татбиқ этилади. Масалан, Францияда “Давлат-ҳудуд” йўналишидаги режа асосида инвестицияларга субсидия берилади. Бу борада янгидан ташкил топаётган саноат корхоналарига, баъзи ҳолатларда хизмат кўрсатадиган фирма ва ташкилотларга бериладиган субсидиялар ҳам назарда тутилиб, ҳар бир ҳудудда яратилган иш ўрнига 50-70 минг франк миқдорида маблағ тўланади. Бундан ташқари, фирма ва ташкилотларга ажратилган субсидия

миқдори ялпи инвестицияга нисбатан чегараланган бўлиб, бу нисбий кўрсаткич 17 фоиздан 34 фоизгача белгиланган.

АҚШ фирмалари томонидан тўғридан-тўғри инвестицияларни амалга ошириш тўғрисидаги маълумотлардан иқтисодиётнинг асосий соҳаларида маблағларни кўпайтириш ва уларни сарфлаш орқали инвестицияларнинг тармоқлар орасида таъминланишини кўриш мумкин. АҚШда тўғридан-тўғри инвестициялар улуши кейинги йилларда сезиларли ўзгарган ҳолда катта ўсишга эришилди ва кўпгина тармоқлар ривожланишининг асосий воситасига айланди.

Бундай ҳолатни бевосита Япония, Тайван, Филлипин ва Сингапур каби иқтисодиёти жадал ривожланиб бораётган давлатларга жалб этилган инвестицияларда ҳам кузатиш мумкин.

Аграр соҳадаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг Америка модели АҚШ ва Канада давлатлари учун хос бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлашда улар учун энг мақбул шарт-шароитларни таъминлаш концепциясига асосланган. Масалан, АҚШ федерал бюджетидан қишлоқ хўжалигига ажратиладиган ажратмалар тўғридан – тўғри пул тўлови кўринишида амалга оширилади: имтиёзли кредитлар, фермерларга инвестициялар учун солиқ имтиёзлари, кредит қайтариш муддатларини узайтириш ва бошқалар. Бунда давлат кредитлаш системаси фермерларга тижорат банклари ва суғурта компаниялари томонидан берилган жами ссудаларнинг ярмидан кўпроқ қисмини эгаллайди.

АҚШда қишлоқ хўжалигидаги инвестиция жараёнлари солиққа тортиш тизими орқали ҳам бошқарилади. Солиқ тизимидаги имтиёзлар қишлоқ хўжалигидаги маҳсулотни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, самарадорлигини оширишга, ернинг ҳосилдорлигини оширувчи муҳитни таъминлашга хизмат қилади. Масалан, фермерлар учун даромад солиғи бошқа ишлаб чиқарувчиларникидан фаркли ўлароқ, реал даромадлар олингандан кейингина ҳисобланади, бошқа бизнес турларида эса молиялаштириш режасидаёқ кўзда тутилади. Фермерлар олинган даромадидан барча жорий харажатларни, хаттоки улар маҳсулот ишлаб чиқаришга бевосита боғлиқ бўлмаса ҳам, чегириб ташлаш ҳукукига эга бўлиб, ушбу йўл билан улар ҳақиқий даромаднинг миқдорини белгилаб оладилар. Фермерларнинг солиққа тортиладиган даромадлари миқдорини минималлаштириш мақсадида уларга баъзи бир хил турдаги қўйилмаларни ишлаб чиқариш воситалари сифатида ҳисоблаб (чорва моллари бош сонини ошириш учун қорамолларни сотиб олиш, вино маҳсулотлари олинувчи экинларни кўпайтириш ва табиатни муҳофаза қилувчи тадбир харажатлари учун) жорий харажатлар таркибига киритиш ва йил давомида уларни бутунлай ўчириб юборишга руҳсат этилади. Мелиорация харажатлари, ер ва сув ресурсларини химоя қилиш ва қорамолларни боқиш харажатлари солиққа тортилмайди ҳамда даромаднинг умумий миқдори ўсишини таъминлайди. Қишлоқ хўжалигидаги инвестиция фаолиятини бошқаришнинг Канада давлатининг тажрибаларида ҳам эътиборга молик тажрибаларни кўриш мумкин. Мамлакатнинг табиий-иқлимий, иқтисодий шарт – шароитлари қишлоқ хўжалигини бошқаришда агробизнесдаги капитал оқимини барқарорлаштиришга қаратилган бўлиб, бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини рақобатбардошлигини ва ички бозорда харидоргирлигини таъминлайди. Яқин вақтларгача Канададаги аграр бозорни бошқаришнинг асосий жиҳати капитал ва маҳсулотни жойлаштириш чегарасининг мамлакат регионлари ўртасида ўрнатилиши ҳисобланарди. Ҳозирги вақтда Канадада ҳукукий – қонуний асосларнинг қабул қилиниши билан ягона инвестиция муҳити вужудга келиб, капитал ва маҳсулотни мамлакатнинг барча регионларида ҳаракатланишининг умумий қоидалари ўрнатилди. Ягона инвестиция муҳити канадалик фермерларни уларнинг асосий рақобатчилари бўлган АҚШ фермерлари билан рақобатбардошлигини ўсишини таъминлайди. Канаданинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсатининг асосий хусусияти шундан иборатки, ҳукумат озиқ – овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдосини бошқаришни тўғридан – тўғри эмас, балки бевосита ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси ва кооператив уюшмалари орқали амалга оширганлигидадир. Ўз навбатида улар орқали давлат субсидия ва дотация бериш билан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг кредитларини давлат кафиллиги билан таъминлаган.

Аграр тармоқда инвестицияларни бошқаришда Хитой иқтисодиёти тажрибасининг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади, яъни: давлат бюджети маблағлари, кредит кўринишида (давлат банклари орқали), қишлоқ хўжалигидаги корхоналарнинг жамоа маблағлари ва деҳқон хўжаликларининг маблағлари. Қишлоқ хўжалигини инвестициялашдаги асосий субъектлар сифатида жамоа ва деҳқон хўжаликларининг маблағлари юзага чиқади, чунки уларнинг жами капитал қўйилмалардаги улуши 50 фоиздан ошади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат томонидан кўллаб – қувватлаш бюджет капитал қўйилмалари ҳисобидан амалга оширилган бўлиб, давлат бюджетининг маблағлари

деҳқончилик, ўрмон ва балиқ хўжалиги, чорвачилик ҳамда ирригация– қурилиш, илмий – техник янгиликларни жорий этиш, шунингдек, ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида турли фондларни ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга ажратилган.

Асосий вазифа – деҳқонларни жонлантириш, маҳаллий бошқарув органлари томонидан қишлоқ хўжалигига инвестициялар оқимини кенгайтиришдан иборат. Давлат эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи саноат тармоғига капитал қўйилмалар киритиш кўламини оширади.

Бу йўл билан давлат ўз аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиш учун иқтисодиётнинг барча тармоқларини, айниқса қишлоқ хўжалигини муҳим стратегик ричаглари сақлаб туриши керак. Бу ричаглар мамлакатнинг озик – овқат хавфсизлигини илмий – техник жараёнлар тараққиётига эришишни, умуман бутун иқтисодиётни нормал бошқаришни таъминлайди. Шунингдек, бошқарув субъекти сифатида ҳукуматнинг вазифаси мос равишда бажарувчи ва хўжалик органларининг мажбуриятлари ва ҳуқуқларини аниқ ишлаб чиқиб бириктиришдан иборатдир.

Қайд этиш жоизки, дунё давлатларида хорижий инвестицияларни жалб этишда қулай инвестиция муҳит яратиш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар яратиш устувор вазифалар сифатида белгилаб олинган.

Аҳоли жамғармаларини инвестициялаш манбаи сифатида жалб қилиш барча давлатларнинг устувор иқтисодий сиёсатини шакллантиришда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Россия Федерациясида аҳоли даромадлари ошиб бориши, депозитларни суғурталаш миқдорлари оширилиши ва фонд бозоридаги ижобий ўзгаришлар содир бўлиши аҳолининг маҳаллий банкларга рублдаги қўйилмаларининг сезиларли ўсишига олиб келди. Лекин аҳоли депозитларининг ўсиши, асосан, Москва шаҳри ва унга чегарадош вилоятларда кузатилганини қайд этиш лозим. Аҳоли жамғармаларини жалб қилиш борасида хориж компаниялари иштирокидаги банкларнинг ҳам улуши ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми Хитой, Россия, Жанубий Корея ҳамда Нидерландия давлатларига тўғри келмоқда .

Хитой давлати жами жалб қилинган халқаро сармояларнинг 35,66 фоизини ташкил қилаётгани ва бу борада мамлакатимизда ушбу давлат билан юқори даражада ҳамкорлик ишлари олиб борилаётганлигини, кейинги ўринларда Россия–26,79 фоиз, Жанубий Корея–19,50 фоизи тўғри келаётганилигини кўриш мумкин. 2012 йилги Давлат инвестиция дастури доирасида республикаимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг катта қисмини асосан 3 та давлат ташкил этган.

Фикримизча, ушбу ижобий ҳолатлар билан биргалликда республикаимизда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш борасида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳам мавжуд. Мамлакатимизда хорижий инвестицияларни жалб этишда қўшма корхоналарнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашнинг услубий асослари такомиллашмаганлиги, республикаимиз тижорат банкларида хорижий инвестициялар салмоғи инвестицияларнинг жами инвестициялардаги салмоғига нисбатан кичиклиги, аҳоли маблағларини инвестициялашнинг муҳим манбаи сифатида жалб этиш ишларини фаоллаштиришда маълум муаммоларнинг мавжудлиги ҳамда хорижий инвестицияларни мамлакат ҳудудлари ва тармоқ диверсификациясидаги турлича эканлиги ва кескин фарқлар мавжудлиги каби муаммоларни кўрсатиш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларидан фойдаланиш ва мамлакатимиз ҳудудларининг инвестиция жозибадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- мамлакатимиз вилоятларида инвестицион жозибадорликни оширишга қаратилган ҳудудий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Бу вилоятларда инвестицион фаолликнинг сезиларли даражада ўсишини таъминлайди, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этишга маблағлар жалб этиш имкониятларини кенгайтиради, бугунги кунда долзарб ҳисобланган янги иш ўринлари сонининг ортишига олиб келади. Шунингдек, ижтимоий соҳанинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади, аҳоли пул даромадлари ва уларнинг тўлов қобилиятига эга талаблари ортишини таъминлайди;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича Хитой, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония каби мамлакатлар тажрибаларини кўпроқ қўллаш;

- ҳудудларда хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятидан келиб чиқиб, истиқболли инвестиция лойиҳалари танловларини эълон қилиш ва унга хорижий инвесторларни кўпроқ жалб этиш имкониятини топиш;

- мамлакатимиз ҳудудларида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини кенг жорий этиш ва ҳудуднинг инвестиция жозибодорлигини оширишнинг аниқ стратегиясини аниқлаб олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларни жалб қилишда жаҳон тажрибаларини ўрганиш, улардан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг қайси тармоқ ва соҳаларига инвестиция киритиш лозимлигини тўғри аниқлашга ёрдам беради. Жаҳон тажрибаси инвестицияларнинг ёқилғи-энергетика соҳасига кўпроқ жалб этилишини кўрсатиб турибди. Бу борада Ўзбекистонга киритилаётган инвестицияларнинг асосий салмоғи ҳам айнан ушбу соҳага йўналтирилаётганлигини кўришимиз мумкин. Бошқа соҳаларга эса инвестицияларнинг жалб этилиши алоҳида эътибор талаб қилиниши, маълум имтиёзлар берилиши ҳамда бу соҳалар бўйича эркин иқтисодий зоналарни янада кўпроқ ташкил этиш ёки концессияга бериш орқали инвестицияларни жалб этиш ва соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратишни талаб қилади.

3.3. Қўшма корхоналарнинг имкониятларини оширишнинг асосий йўналишлари.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ва мунтазам ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислохотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратди.

Ҳозирги даврда дунё мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Бироқ, ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир тەкисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати–жаҳоннинг бир мамлакатада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга қонуний фаолият натижасида олган фойдалари ва бошқа даромадларини бирор-бир чекловларсиз исталганча чет давлатга ўтказиш имконияти кафолатланади. Бундан ташқари, хорижий инвесторлар республика банкларида ҳеч бир чекловларсиз исталган валютада ҳисоб рақамига эга бўлишлари мумкин. Жумладан, хусусий инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторига янада жалб қилиш мақсадида 2005 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Бу фармонга биноан саноатнинг алоҳида соҳаларидаги корхоналар асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғидан, микрофирмалар ва кичик корхоналарга солинадиган ягона солиқдан, шунингдек, инвестиция миқдорига қараб 3 йилдан 7 йилгача муддатда республика йўл жамғармаси ажратмалардан озод қилинди.

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари амалда хорижий инвестицияларни экспорт ва импорт қилувчилар ҳисобланишади. Чунки, асосан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар қўшма корхоналар орқали амалга оширилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг минтақавий таркиби қуйидаги хусусиятларга эга:

- тўғридан-тўғри хорижий инвсстицияларни қабул қилувчи асосий мамлакатлар ривожланган мамлакатлар ҳисобланиб, улар ҳиссасига жаҳон инвестициялар оқимининг 75%и тўғри келади;
 - тўғридан-тўғри хорижий инвсстицияларнинг концентрациялашган оқими АҚШ-Ғарбий Европа-Япония учлигига тўғри келади;
 - глобал тўғридан-тўғри хорижий инвсстициялар оқимида ривожланаётган мамлакатлар улушининг қисқариб бориши кузатилмоқда. Уларнинг ҳиссасига жаҳон инвестициялар оқимининг 20%и тўғри келади;
 - Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларининг тўғридан-тўғри хорижий инвсстициялар оқимидаги улуши барқарор бўлиб, улар ҳиссасига инвестициялар глобал оқимининг 2% и тўғри келади;
 - Ривожланган мамлакатлар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвсстицияларнинг глобал тақсимланишини капитални четга чиқариш географиясига кўра назорат қилиш.
- Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг йўналишлари мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Тўғридан-тўғри хорижий инвсстицияларни, асосан жалб этувчи ва чиқарувчи мамлакатлар саноат жихатдан тараққий этган мамлакатлар ҳисобланишади ва уларнинг ҳиссасига Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар йиллик оқимининг 80% и тўғри келади.

Халқаро капиталлар ҳаракатидаги жиддий ўзгаришлар АҚШдаги ипотека инқирози таъсирида молия бозорларидаги шарт-шароитларнинг ёмонлашуви ва инфляция эҳтимолининг кучайишига олиб келди. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция каби мамлакатлар халқаро бозордаги асосий инвесторлар бўлиб, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар таклифини шакллантирадиган мамлакатлар ҳисобланадилар. Жумладан, 2010 йилда хорижга чиқарилган жами ТТХИнинг 16,8% и АҚШ, 11,8% и Франция, 8,4 % и Германия, 6,9% и Япония, 6,0% и Буюк Британия ҳиссасига тўғри келган.

Шунга кўра, биз мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг жорий ва истикболдаги чора-тадбирларини белгилашда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуктаи-назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади. Хали ханузга қадар айниқса, Европа мамлакатларида жаҳон мамлакатларида рўй бераётган молиявий – иқтисодий инқирознинг таъсири кескинлашиб бормоқда.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, ҳозирги жаҳон мамлакатлари иқтисодий тизимида рақобат кураши кескинлашиб бораётган даврда, миллий иқтисодиётимизни модернизациялашда қўшма корхоналарнинг бизнес имкониятларини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бизга маълумки, бизнес имконият–бу мулк шаклидан қатъий назар, ҳар қандай фаолият(бизнес) юритиш учун яратилган зарурий шарт–шароитлар, ташкилий – ҳуқуқий асослар, мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланиш даражаси, иқтисодий–сиёсий барқарорликнинг мавжудлиги ва шу каби бошқа бизнес юритиш учун зарур бўлган хатти-ҳаракатлар, чора ва тадбирлар мажмуидир. Бундан ташқари ҳар қандай корхонанинг бошқарув тизими бош мақсад йўлида оқилона ҳаракатлана олса, бизнес имкониятлари даражаси юқори бўлади(3.2.1 - жадвал).

3.2.1- жадвал

Замонавий корхонага хос хусусиятлар

Анъанавий корхона	Замонавий корхона
Корхона - халқ хўжалигининг оддий хужайраси	Корхона - тўла ҳуқуқли, мустақил хўжалик объекти.
Фаолият умумхалқ хўжалик самарадорлиги нуктаи назаридан олиб борилади.	Фаолият ўз фойдасини кўзлаб олиб борилади.
Кам ўзгаришлар муҳити	Тез ўзгаришлар муҳити
Кўп бошқарув қарорлари юқоридан	Бошқарув қарорлар корхонада яратилади

тушуриларди.	(идеал ҳолатда)
Ресурслар юқоридан тасдиқланиши ва нисбатан сероблиги.	Ресурслар камлиги, молиялаштириш муаммоси.
Бошқарувчи – бошлиқ, рахбар	Бошқарувчи – менежер
Ишлаб чиқаришнинг операцион бошқаруви	Стратегик бошқарув элементлари мавжуд
Завод (фабрика) нуқтаи назаридан иш юритиш	Корхона (фирма) нуқтаи назаридан иш юритиш.
Ривожланиш юқоридан таъминланади	Ривожланиш ички имкониятлардан келиб чиқади.
Рахбарлар захираси ташқарида шаклланади	Рахбарлар захираси корхонада шаклланади.
Умумхалқ қийматлари ривож топган	Корхоналар ўз миссиясига, мақсадарига, мафқурасига эга.

Яъни, замонавий корхоналарга кучли таъсир этувчи ва уларнинг фаолиятини шакллантирувчи омиллар – бу бозор муносабатларидаги жараёнлар, айниқса конъюнктуравий ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, ўсиб бораётган рақобат, доимий ва тез ўзгаришлар, ўта мураккаб ҳўжалик мухити, замонавий ишлаб чиқариш хусусиятларидир. Ўзига равшан мақсадлар танлаш, ҳамда мухитга мослашиш замонавий корхонага хос асосий хусусиятлардан биридир.

Хорижий ва маҳаллий корхоналар фаолиятида 3 асосий иқтисодий ва бошқариш учун муҳим ўзгаришларни кузатиш мумкин.

1. «ишчи – ишчи ўрни» муносабатлари;
2. «корхона- ишчи-ходимлар» муносабатлари;
3. «корхона-корхона» муносабатлари.

Хўжалик мухитидаги ўзгаришлар замонавий корхона бошқарувида олдинги бошқарувга мос бўлмаган бир қатор янги вазифаларни қўяди. Булар:

- фаолиятни бозор эҳтиёжлари томонига қаратиш (маркетинг);
- корхонани келажагини ўйлаб ривожланишини таъминлаш (стратегик бошқарув);
- корхонада рақобатбардошлик талабларига жавоб берадиган маҳсулот яратиш (сифатни бошқариш);
- корхона қийматини ошириб бориш (ходимлар билан ишлаш – инсон ресурсларини бошқариш);
- корхонада ишлаб чиқаришни ва маҳсулотни такомиллаштириб бориш ва истеъмолчининг янгидан-янги эҳтиёжларини қондиришга қаратилган янгиликлар яратиш (инновацион менежмент).

Фикримизча, кўрсатилган вазифаларни бажариш корхоналарининг кўпчилиги у ёки бу ҳолда дуч келаётган куйидаги асосий муаммоларни ҳал этишини тақозо этади. Яъни, замонавий корхонанинг энг асосий муаммоси – бу бошқарув муаммосидир. Бозор иқтисодиётига мос бошқарув усуллари ва дастакларини тўла ўзлаштириш замонавий бошқарув илмининг ривожланишига боғлиқ. Шунинг учун биз энг керак ва долзарб бошқарув муаммоларини ечишда кўмаклашадиган бошқарув илмининг ўрни бекиёсдир. Бу эса, ўз навбатида, қайси муаммолар энг муҳим деб топишимиз, уларни тез ва тўғри ҳал этишимиз, ўз ижобий ва сезиларли таъсирини ўтказди деб танлашимизга боғлиқ.

Корхоналар мустақиллиги ошиб борар экан, корхона келажагини таъминлаш учун, ўз фаолиятини режалаштириши, атроф-мухит ўзгаришига мослашиб бориши, стратегик бошқарувни жорий этиши, корхона ўз таркибини ва ўз хусусиятларини замон талабларига қараб ўзгартириши керак. Бу корхона бошқарувида эгилувчанлик ва мослашувчанликни талаб этади. Бунда ходимларини корхонанинг асосий бойлиги эканлигини англаш, инсон ресурсларини бошқариш корхона раҳбариятининг эътибори марказида бўлиши зарур.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалар асосида биз вилоятда қўшма корхоналар имкониятларини оширишнинг самарали йўллариини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик:

- қўшма корхона тасарруфидаги мавжуд ресурс ва имкониятлардан оқилона фойдаланишга мунтазам эришиш, ҳамда уларни замон ва бозор талаблари даражасида янгилашиб боришини таъминлаш;

- меҳнат ресурсларидан, яъни ишчи–ходим, мутахассис, раҳбарлар малакасини ошириб бориш, меҳнат шароитларини юксалтириб бориш;

▪ инновацион ғояларни қўллаб – қувватлаш, яқуний натижаларига қараб оқилона ва одилона рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

▪ қўшма корхона корпоратив бошқарув тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, ваколатлар таксимоти ва рағбатлантириш тизимида адолатлилиқ принципига қатъий риоя қилишга эришиш;

▪ замонавий коммуникация тизимини шакллантириш;

▪ «тижорат сири» тоифасидаги маълумотларни ташқарига чиқиб кетмаслиқ механизмини яратиш ва унга амал қилинишига эришиш;

▪ мунтазам равишда харидор(мижоз)лар талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш, унинг натижаларига махсулот ишлаб чиқаришни мослаштириш;

▪ меҳнат жамоасидаги соғлом ижтимоий – рухий иқлимни шакллантириш ва уни доимийлигини таъминлаш;

▪ оқилона хўжалиқ алоқалари тизимини яратиш ва уни мунтазам мустахкамланиб боришини таъминлаш.

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, дунё харитасида географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёсат ва бошқалар билан муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ушбу БМИда олинган натижалардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қўшма корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормокда. Вилюятимизда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши, йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол-мулклари бир қисмини ажратиб, шўъба корхоналар очиш мумкин.

БМИдаги таҳлиллар кўрсатишича, вилюятимиз туманларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этишда қатор муаммолар мавжуд:

- инвестиция инфратузилмасининг етарлича ривожланмаганлиги, банклар, инвестиция фондлари ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестициялоийҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;
- тадбиркорларнинг бизнес-кўникмалари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги;
- ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;
- инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги;
 - тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, вилюят савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;
 - лойиҳа ташаббускорлари молиявий-иқтисодий ҳолатининг ночорлиги;
 - инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий ҳолатининг маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;
 - қишлоқ хўжалиги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишдаги мавжуд муаммолар;
 - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом-ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик, шафтоли, беҳи ва б.)
 - ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;
 - инфратузилмага оид муаммолар, шу жумладан, корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги;
 - экспортёр корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;
 - технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги – технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этишни таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
 - қишлоқ хўжалик корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг, малакасининг етарли даражада эмаслиги.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш, хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши керак:

1. Мамлакат инвестиция иқлимини яхшилаш ва муаммолар ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, ҳудудий ҳокимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очик мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошқоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилик фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизминини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

2. Хорижий инвестициялар оқимига таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида маркетинг тадқиқотини заиф олиб борилаётгани, натижада кўплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда қолдиқ бўлиб қолаётганлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ, ечимини изламасдан, аҳоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга иисбатан соғлом талаб даражасини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида холис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон яхши йўлга қўйилгани йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентлари ташкил қилиниши лозим.

4. Хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий таркибида нотекислик сақланиб қолмоқда. Инвестицияларни тақсимлашда қулай жойлашувга эга, инфратузилмаси ривожланган индустриал туманлар—Ғузор, Муборак, Дехқонобод туманлари ҳиссаси юқори бўлгани ҳолда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган Касби, Косон, Чирокчи, Китоб, Шаҳрисабз, Нишон каби туманларнинг улуши оз ҳисобланади.

5. Вилоятимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ҳамда экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ОЎЮ лари билан биргаликда ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни мунтазам йўлга қўйиш лозим.

6. Хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича “Вилоят инвестиция салоҳияти” вэб-порталини ташкил этиш, инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар (республика ҳудудида ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш лозим.

Қашқадарё вилоятида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича таклифларимиз:

- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шуъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш; Улуш қўшиб қатнашиш орқали қўшма корхоналарни ташкил этиш;
- хорижий инвесторларга 100% тегишли бўлган мол-мулк орқали хорижий корхоналарни ташкил этиш;
- концессия ва лизинг шартномалари тузиш;
- хорижий сармоядорлар учун тендерлар эълон қилиш;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;
- туризм ва тадбиркорликнинг турдош хилларини ривожлантириш (Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ туманларида туризм индустриясини ривожлантириш)
- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш;
- кўпгина хорижда ўсадиган қишлоқ хўжалик ўсимликларини етиштиришни ҳамкорликда йўлга қўйиш ва ҳоказолар.

Юқоридаги таклиф ва тавсиялар ўз ўрнида қўлланилса қуйидаги натижаларга эришилади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожланади;
- иккинчидан, вилоятда импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;
- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жадаллаштириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуrollанади;
- инвестиция лойиҳалари, аввало, устувор тармоқларга, яъни нефть ва химия саноати, транспорт, энергетика, ер ости қазилма бойликларини ишлаб чиқаришга, қурилиш, телекоммуникация тармоқларига, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва уларни кенг қайта ишлашга, туризм соҳасини ривожланади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш ҳақида: Қонун. 2005 йил 16 сентябрь //Халқ сўзи.-2005. №186-сентябрь -16.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. – Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 23 – Т.: Адолат, 2000.
4. Экспорт назорати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9 моддасига кўшимча киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси қонуни-2006 йил 20 июнь //Халқ сўзи.-2006 йил 21 июнь. № 118-16.
5. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг вазирлигининг «Хорижий инвестицияларни рўйхатдан ўтказиш» Низом. ЎЗ АВ томонидан 1121-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2005й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари.

6. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. //Солиқ тўловчининг журнали.-2005.-№4.-4 б.
7. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2007 йил 14 март. //Халқ сўзи-2007 № 52. 15 март.- 16.
8. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликнинг ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2006 йил 5 январь. //Халқ сўзи-2006-№ 4. январь-16.
9. Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон. 2005 йил 21 июль //Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари-2005.- № 1-10. 76.
10. Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. ПҚ-325, 2006 йил 17 апрель. //Хабарнома.-2006. № 2. 31б.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмининг такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. 2004 йил 9 февраль //Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлар тўплами. – 2004.- № 6.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кўшма корхоналар ташкил этишга хорижий инвестицияларни жалб этишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 393-сонли Қарор. 2002 йил 11 октябрь. //Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлар.-2003.-№12. 135 б.
14. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. //Солиқлар ва божхона хабарлари. -2003. -21 (461)-16 май. -9 б.
15. Инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 2007 йил 4 январдаги ПҚ-554-сон Қарори. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-2007.-№ 1-2.-6б.
16. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси

Президенти Қарори.-2006 йил 28 декабрь.-10б. //Солиқ тўловчининг журнали.-2007.-№ 1.-10б.

17. 2006-2008 йилларда тўқимачилик саноати корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жизохлаш дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. 2006 йил 13 ноябрь. //Солиқ тўловчининг журнали.-2006.-№ 12.-5б.
18. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги инвестиция дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 2006 йил. 9 октябрь. ПҚ-84-сон. //Банк ахборотномаси.-2006.-№ 44.-1 ноябрь.-3б.

IV.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

19. Каримов И.А.“Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон” 2009 йил.
20. Каримов И.А.Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган 2013 йил 18 январдаги мажлисидаги маъруза // ”Халқ сўзи” 2013 йил 19 январь.
21. Каримов А.И. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади // Халқ сўзи. – 2014 йил 18 январь.
22. Каримов И.А. 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазирамиздир// Халқ сўзи. – 2015 йил 17 январь.
23. Каримов И.А. Бош мақсадимиз–мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришидир. “Халқ сўзи” газетаси. 2016 йил 17 январь.

V. Дарсликлар, ўқув қўлланмалар

24. А.Абдуллаев, Х.Айбишев “Қўшма корхона” Дарслик Т.: “Молия” 2012.
25. Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолият асослари. Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “адабиёт жамғармаси” нашр., 2001.- 328б.
26. А.В.Вахабов, Ш.ҲХажикакиев, Н.Г.Муминов. Хорижий инвестициялар: - Т.: “Молия”, 2010. – 47-50, 57-бетлар.
27. Ё.К.Қориева, И.У.Нематов “Хорижий инвестициялар” Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2008, 124-бет.
28. Дамодаран А. Инвестиционная оценка: Инструменты и методы оценки любых активов:Пер.с англ.- 4-е изд.-М.:Альпина Бизнес Букс,2007.1340 с.
29. А.Ю. Андрианов, СВ. Валдайцев, П.В. Воробьев и др. Инвестиции: учеб. /-2-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. - 584 с.
30. Н.Н.Расулов.Стимулирование привлечения иностранных инвестиции в экономику Узбекистана.- Т.: «ФАН», 2003.-165 с.
31. Игошин Н.В. Инвестиции, организация, управление, финансирование: Учебник / -3-е изд.-М.: «ЮНИТИ : ДАНА», 2005.-448 с.
32. Дегтярёв О.И. Внешнеэкономическая деятельность: Учеб. пособие. /Дегтярёва О.И., Полянова Т.Н., Саркисов С.В. –М.: Дело, 2005. – 325 с.
33. Диденко Н. И. Основы внешнеэкономической деятельности в РФ. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2004. – 286 с.

VI. Илмий монографиялар, мақолалар

34. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. Т.: ТДИУ, 2005. – 224 б.

35. Сирожиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004. – 2001 с.
36. Хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва қимматли қоғозлар бозори бошқа институтлари. //Банк ахбортомаси.-2006. № 3. –январь.-1 с.
37. Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. 1-қисм. ТДИУ, 2005 й.
38. Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ва фермерлик ҳаракати. 2-қисм. ТДИУ, 2005 й.
39. Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожидавр талаби. 3-қисм. ТДИУ, 2005 й.
40. Бекмурадов А.Ш. ва бошқалар.Ташқи иқтисодий сиёсат: савдо ва инвестициялар оқимлари. 5-қисм. ТДИУ, 2005 й.

VII. Газета ва журналлар.

41. Обзор итогов внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан. //Деловой партнёр.-2015.-27 ноябрь №46.
42. Маҳмудов Н. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш. //Бозор, пул ва кредит. -2014.№7.
43. Адашев Ғ. Ўзбекистон ва жаҳон савдо ташкилоти: эркин савдо тизимига йўл. //Ҳамкор.-2014. -№

VIII. Статистик маълумотлар.

44. “Ўзбекистон Иқтисодиёти” ахборот ва таҳлилий шарҳ. – Т.: 2015.
45. Узбекистан и страны СНГ. Статистический ежегодник. – Т.: 2015.
46. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари 2010 –2015 йй.
47. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси маълумотлари, 2010-2015 йй.
48. Қашқадарё вилояти Статистика бош бошқармаси маълумотлари, 2010-2015 йй.
49. Ўзбекистон Республикаси Савдо-Саноат Палатасининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси маълумотлари, 2010-2015 йй.

IX. Интернет сайтлари.

50. www.gov.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали
51. www.press-service.uz–Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти
52. www.mfer.uz–Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти
53. www.uzinfoinvest.uz - «Ўзахборотинвест» агентлигининг расмий сайти.
54. www.omad.uz–Бизнес ривожидан учун ахборот портали
55. www.UzA.Uz–Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти
56. www.review.uz – “Экономическое обозрение” журналининг расмий сайти
57. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти